



КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР –



ДАВР ТАҚОЗОСИ, ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хуҗжатларига сайлов ва референдум ўтказиши тартибини янада та-комиллаштиришига қаратилган ўзгартириши ва кўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасида мамлакатимиз сайлов тизими жорий этиши ва шу орқали Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутатлари сайловини янги тизим асосида ўтказиши, бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз берисида иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг (мутлақ кўпчилик) эмас, балки бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ (нисбий кўпчилик) овозини олган номзод депутат этиби сайланган деб ҳисобланишини назарда ту-тувчи муҳим ва долзарб янгиликлар тақлиф этилмоқда.

Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов комиссиясининг котиби,
Юридик фанлар доктори, профессор.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 67-моддасида Олий Мажлис Конунчиллик палатаси бир юз йил мурдатта сайланадиган бир юз эллини нафар депутатдан иборат эканлиги, 9-моддасида Конунчиллик палатаси депутатлари сайловини мувофиқ ўтказилган, яъни мұқобиллик асосида ўтган бир мандатли сайлов округларининг ҳар биринан сиёсий партиялар томонидан кўр-

сатилган номзодлардан бир нафари депутат этиб сайланган.

Эндилиқда, Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш ва кўшимчаларга мувофиқ, Конунчиллик палатаси депутатларининг 50 фоизи, яъни 75 нафари одатдагидек мажоритар сайлов тизими мувофиқ бир мандатли сайлов округларидан сайланниши, қол-

ган 50 фоизи, яъни 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида партиялар томонидан кўрсатилган депутатлик номзодлар рўйхати бўйича сайланниши тақлиф этилмоқда.

2

Янгилинишлар нафасидан яшнаётган воҳа

Муносабат

Қашқадарё нафасат ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари билан, балки саноатда ишлаб чиқарилётган, дунёга кўз-кўз қиласа арзийдиган тайёр ҳаридоргир маҳсулотлари билан ҳам салоҳияти ортиб бораётган вилоят. Бу ерда ҳар иили мамлакатимиз вилоятлари орасида энг кўп – 420 минг тонна пахта, 1,5 миллион тонна галла етишириллади. Аммо якин-яқинча етиширилган пахтанинг бор-йўғи 6 фоизи вилоятда қайта шиланар, ин-калава, текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарни имконияти деярий ўйқ эди. Президентимизнинг ҳар гал вилоятимизга ташифлари чогида бу масалага алоҳида эътибор берадиганликлари натижасида қисқа вақтда 6 та текстиль корхонаси фаолият бошлагани туфайли етиширилган пахтанинг қарийб 60 физдан зиёд эндиликда вилоятимизнинг ўзида қайта шиланаяти.



Саховатли Қашқадарё заминида кейинги ишларда пахта хом ашёсини қайта ишлашга алоҳида эътибор берадиганлигини туфайли янги-янги корхоналар ўз фаолиятини ўйлга кўйди. Кўплаб тўқимачилик кластерлари ташкил этилди.

"Чироқчи кластер" ҳам ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Чироқчи ва Кўкдала туманларидаги 8 минг гектардан зиёд майдонда пахта етиширган 600 га якин

**"ADOLAT" газетасига 2024
йилга обуна давом этмоқда
Обуна индекси – 100**

"Adolat" ажралмас ҳамроҳимиз
бўлсин!

**БЛОГЕР
НИҚОБИДАГИ ФИРИБГАР**

**БАРЧА ЗАМОНЛАРНИНГ
БУЮК ДАҲОСИ**

**Маҳалла кутубхонасига
БЕШ ЮЗТА КИТОБ СОВФА ҚИЛИНДИ**

3
4
5
6

2

2

Депутатлик гурухларида

Халқ фаровонлиги йўлида



Даўытбай КУРБАНИЯЗОВ,
Қоғақалпогистон Республикаси
Жўқорги Кенгеси депутати

Жамият ва давлат тараққий этишида ҳар бир фуқаро ўз хукуқ ва мажбуриятлари доирасида, зиммасига юклитилган вазифаларни сидқидилдан адо этиши кашта аҳамият касб этади. Қолаверса, ўз юрти ва давлатига меҳр-муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчига энг олий саодатидир.

"Адолат" социал-демократик партиясидан Қоғақалпогистон Жўқорги Кенгеси ҳамда ҳалқ депутатлари шахар ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар зиммаларидағи йоғида масъулиятли вазифаларни теран англаган холда, ҳамиша ҳалқ орасида, жамиятда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ахолига қўйнаб келаётган муаммоларга ижобий ечим топиш, бир сўз билан айтганда, фуқароларимизга муносиб турмуш тарзини яратишдек шаррафли вазифаларни адо этиш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келишимояд.

Худудий кенгашларда депутатларимиз сайды-харакатлари билан "Адолат" тамоилларира гайрироҳ

бўлган қўнгиллilar кўпайиб, жорий йил боишидан бўён "адолатчи"лар сафира яна 2738 нафар янги аъзо қабул қилинди. Шунингдек, партиянимиз депутатлик гурухлари томонидан Қоғақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги фракция ва кўмита мажлисларида, шахар ва туманлардаги доимий комиссия мажлисларида жами 77 та масала, сессиялар кун тартибида эса 80 та масала киритилиб, ахоли муаммоларни ҳал қуловчи ижобий қарорлар қабул қилинишига муваффақ бўлуни. Депутатлар партияминиз Сайловолди дастурда назарда тутилган фуқаролар манфаатлари нинг ҳақиқий ҳимоячиси сифатидаги, уларни қўйнаб келаётган турли ма-

салаларга муносиб ечим топиш максадида жорий йил боишидан бери турли йўналиши ва мавзуларда 763 та тадбир ташкил этишиди.

Жумладан, партияниң Сайловолди дастурли икросига йўналтирилган "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида 215 та тадбир ташкил этилиб, 2026 та хонадон, 215 та хўжалик юритувчи субъектлар фанолияти ўрганинди, 219 та ахоли муражгаатлари кўриб чиқилди ва айнан мазкур мурожаатлар асосида 21 та депутатлик сўровлари юборилди. Изланишлар, ўрганишлар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида олиб борилган сайды-харакатлар эса, албатта, ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Фуқаролар сиёсий саводхонлигини ошириш бугунги кунда давлатимиз олдида турган энг муҳим масалалардан бирни саналади. Партияниң вакиллари бу борада ҳам фаоллик кўрсатган ҳолда, мунтазам равишда ўзларининг қатор лойиҳалари доирасида ахолининг ҳукукий саводхонлигини оширишга муносиб хисса қўшиб келишимояд. Жорий йил боишидан бўён "Сиёсий-ҳукукий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори" лойиҳаси доирасида 213 та, "Бир адолатчи юз аёгла ҳимоячи" лойиҳаси доирасида 117 та, "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида ташкил этилган 49 та тадбир шулар жумласидандир.

Депутатлик гурухларида иш қизин. Олий мақсад, жамиятда барқарор, ахоли учун муносиб турмуш тарзини яратиш. Депутатларимиз вакиллик институтининг асосий вазифаси ижро ҳокимиётни фаолиятини назорат қилиш эканлигини теран англаган холда, ҳалқ манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш борасида кенг кўлламишлар олиб боришимояд. Депутатлар фаолиятидаги жадаллик ва ахоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида ҳамхијатлида олиб борилаётган ишлар натижаси ўлароқ бугун туман ва шахар Кенгашларидаги вакилларимиз фаолиятида жонланиш кутилмоқда.

"Адолат" СДПнинг "Тозалик йўлида бирлашайлик" лойиҳаси жамоатчилик томонидан кўйлаб-куватланмоқда. Авлалари асосан баҳор ойларида ободонлаштириш ва тозалаш шишини амалга оширишга ўрганинг бўлсак, эндиликда у доимий вазифамизга айланди. Зоро, озодалик саломатлик ҳам демакодир.

Обод жойда барака бўлади



Партияниң Жалақудук туман кенгаши фаоллари ана шундай эзгу мақсад билан маҳаллаларга кириб боргандга жамоатчилик вакиллари сафдошларимизнинг ҳайрли ташаббусига кўшилдилар. Хусусан, тумандаги "Кутлуг" МФИ Ширин кўчасида лойиҳа доирасида ташкил этилган тарғибот тадбiri маҳалла ахлининг ўз хонадони ва кўчасига бўлган эътиборини ошириди. Эрталабдан кексаю ёш ободонлаштириш ва тозалаш ишларига киришиди. Биринчи куннинг ўзида 6 тоннага яхқин майший чиқинди белгиланган жойларга олиб бориб ташланди.

– Ободлик ҳамма вақт зарур, – дейди меҳнат фахрийи Шукрулло Хайрухонов.

– "Адолатчилар" томонидан олиб борилган тарғибот ишлари зиммамиздаги масъулиятни янада ошириди. Обод жойда барака бўлади, дейдилар. Демак, маҳалламизга озодалик ва ободлик билан бирга барака ҳам киради.

"Кутлуг" МФДа бошланган ҳайрли иш кўшни маҳаллаларга ҳам кўчди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Тиббиёт

Сўнгги беш йил ичда мамлакатимизда онкология соҳасини ривожлантириши тиббиётдаги устувор ва муҳим вазифалардан бирни ҳисобланмоқда. Онкология соҳасига ажратилётган маблаглар йил сайн ортиб бораётгани, доро воситалари билан таъминлашни даражаси 10-15 фоиздан 90-95 фоизгача оигани, диагностика ва даволашнинг янги, юқори технологияли усуллари барча ҳудудий онкология филиаллари жорий этилаётгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда мухим ўрин тутмоқда. Шу билан бир қаторда соҳада хорижий мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда.

Онкология соҳасидаги ислоҳотлар

аҳоли саломатлигини
мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда



Тоҳир ПАЛВАНОВ,
РИО ва РИАТМ Хоразм филиали директори,
"Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси

Жумладан, 2023 йил октябрь ойида Ўзбекистонда Ҳайдар Алиевнинг 100 йиллигига бағишиланган саломатлик ҳафталиги ўтказилди. Ушбу ҳафталик доирасида онкология соҳасида ишловчи озарбайжонлик иккى етакчи олим-шифокор Ўзбекистонда амалий фаолият кўрсатиши.

Мутахассислар ҳафталикнинг биринчи куни Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали 125 ўнинг мўлжалланган бўлиб, унинг қошида ташкил қилинган, кунига 150 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника томонидан ва вилоятнинг шаҳарлари ва туманларидаги 13 та онкокабинетлар орқали ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Юртимизда соҳада қаратилётган эътиборни Хоразм вилояти аҳолисига ихтисослаштирилган онкология хизмати мисолида кўрадиган бўлсак, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали 125 ўнинг мўлжалланган бўлиб, унинг қошида ташкил қилинган, кунига 150 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника томонидан ва вилоятнинг шаҳарлари ва туманларидаги 13 та онкокабинетлар орқали ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ҳар йили ўтга 1300-1400 нафар бирламчи онкологик касалликлар аниқланади. Вилоят бўйича хавфли ўсмалар билан бирламчи 748 нафар бемор ҳисобга олинган бўлиб, касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 38,2 га тенг бўлди.

Шунингдек, жорий йилнинг 6 ойида вилоят бўйича хавфли ўсмалар билан бирламчи 495 нафар, иккинчи босқичда 277 нафар ва тўртинчи босқичда 48 нафар бемор аниқланди, 517 та умумий операциялар амалга оширилиб, 2500 нафар кимётерапия ҳамда 261 нафар беморда нур терапияси ўтказилди.

Онкологик касалликларнинг профилактикаси, эрта диагностикаси ва даволаш билан бирга, ҳудудий онкология муассасаларининг моддий техник базасини тубдан яхшилаш, кадрларнинг малакасини ошириш, чет эл клиникалари билан ҳамкорликларни йўлга кўйиш борашибида бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Натижада 2023 йилларда вилоятдан Тошкент шаҳрига 3000 нафардан ортиб бемор (шундай 1700 нафарга яхини ордер ва 1500 нафарга яхини беморлар ўз ҳоҳишилари билан) бориб даволанишига мажбур бўлган бўлса, 2023 йилнинг ўтган 6 ойида ушбу кўрсаткичи 96 нафарни ташкил этаяпти. Бу кўрсаткичлар соҳада қаратилётган эътибор ва яратилётган имкониятлар маҳсулидир.

Обуна-2024



"АДОЛАТ" ажралмас ҳамроҳимииз бўлсин!

Алимардон АКРАМОВ,
Фарғона вилоят кенгashi бош мутахассиси,
"Ёшлар қаноти" раиси

Инсон яралиди, ҳамиша ҳақ учун ва ҳақсизликка қарши курашиб юшайверади. Ҳақиқат қарор топиши учун курашлар бальзан инсоннинг тинкасини қутишса, унга эришгандаги кўпонч умрига умр кўшади. Адолат бор экан, инсон орзу-ҳаваслари куши қанотидек кўкларга бўй чўзверади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Буайда туман кенгashi раиси, ҳалқ депутатлари туман Кенгashi депутати Хайрулло Турғонов буайда мавзуси бир вақтда ташкил этишиди.

олам маънога эга эканлигини хис қилдим. Мен "Адолат" саҳифалари орқали адолатли бўлишини ўргандим, одамларга адолат карор топиши учун курашишини ўргатдим.

Кейсиз таълим муассасасига ёки хизмат кўрсатиш тармогига кириб бормай, ҳар бир нарса адолат мезонларига хизмат қилишини назорат қиласам. Адолатсизлик билан муроса қиполмайман. Ҳар йили "Адолат" газетаси учун обуна мавсими бошлини билан кўчага отланаман. Инсон адолатини, аввало, ўзидан топиши керак, атрофдагиларга адолатли муносабатда бўлиши учун ҳам унга билим зарур, бунга эса "Адолат"ни ўқиши ва укиши орқали ҳам эришади. Шу сабабли савдо шаҳобчасими, поликлиника ё таълим масканими, кеарда

бўлсам, элдошларимни "Adolat" газетасига обуна бўлишига давъат этаман. Буайдаликлар менинг чорвомига ҳамиша "лаббай", деб жавоб берисади.

Бу йил ҳам жим ўтирганим йўк. Шу

куниларда киши газетага обуна бўлиши.

Бу ишларни тұхтатмайман.

Қайси ташкил қилинган, кунига 150 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника томонидан ва вилоятнинг шаҳарлари ва туманларидаги 13 та онкокабинетлар орқали ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Хайрулло Алиевнинг сўзларини тинглар

еканман, униши ҳавасим келди.

Беихтиёр туман почта бўлимига кеяп қолганим билмай қолиман. Мен ҳам шу

куни "Адолат" газетасига обуна бўлдим.

Ишхонамиз ўз йўлига, аммо уйимизда

ҳам "Адолат" бўлгани бошқача-да...

Фракция йиғилиши



Олий Мажлис Конунчиллик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясын навбатдаги йигилишида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсманни) тўғрисида"ги қонун лойихаси биринчи ўқишида кўриб чиқилиди.

Инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади

Мамлакатимизда боланинг ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни химоя қилишга, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги конунчилликни такомиллаштириша, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан кўплаб-куватлашга қаратилган кенг кўламили ишлар амалга оширилмоқда.

Болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни доимо кўплаб-куватлаш, ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, матнавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашишга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳаётимиз давомчилари, келажаги-

миз ворислари бўлган болалар мамлакатнинг катта хазинаси.

Йигилишда кайд этилганидек, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари сони 40 дан, қонунисти ҳужжатлари сони 500 дан ортиқни ташкил этади. Бу эса бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик билан ихтисослашган ҳолда иш олиб бориш ҳамда унинг ижроси бўйича таъсирчан меҳанизмларни яратиш заруритини юзага келтирмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойихасида бола ҳуқуқларига доир кўплаб устувор вазифалар ўрин олганки, лойиханинг қабул қилиниши боланинг ҳуқук ва эркинларини химоя қилиш

борасида Болалар омбудсманининг давлат орғанлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтиради.


Муҳокамалар давомида депутатлар партия позициясидан келип чиқиб, қонун лойихаси юзасидан ўтаклифлари, фикр-мулоҳозаларини билдириши. Лойихадаги айрим нормалар юзасидан бир катор саволларни ўртага ташлашида ва уларга батасил жавоблар олини.

Қизиг давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойихаси депутатлар томонидан маъкулланди.

Йигилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегиши қарорлар қабул қилинди.

"ADOLAT" тарозиси

Блогер. Бу Янги Ўзбекистонга хос янги сўз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсати блогерларнинг ҳам эмин-эрkin фаoliyat юритилиши учун кенг имкониятлар яратди. Натижасида айрим ҳолатларда мамлакатимизнинг турли худудларидаги энг оғрикли муаммолар айнан блогерлар томонидан жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиб, ижодий ечимларни топмоқда. Аммо...



БЛОГЕР НИҼОБИДАГИ ФИРИБГАР

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси

Аммо шошли курмаксиз бўлмаганидек, айрим устаси фаранг кимсалар блогерларни ўзларига ниқоб қилиб олиб, шахсий манфаати ўйлуда турли жиноятларга қўл уришмоқда. Келинг, гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун ҳаёттий бир мисолга эътиборингизни қаратсан.

Ўзқон шаҳрида яшаган, ёш бўлишига қарамай мүқаддам касдандан баданга оғир шикаст етказиш ва безорлилик жиноятларини содир этгани боис озодлиқдан маҳрум қилиш жасосини ўтаб чиқкан Диёрбек Кутлибоев (исм-шарифи ўзгартирилган) шахсий "Нексия-3" русуми машинасида киракашлик билан шуғулланарди. Қолаверса, "Телеграмм" ижтимоий тармогида "KOKAND.YURX AUTO-BLOG" номли канал очиб, блогерлар фаолиятини ҳам юритарди. Яъни ушбу каналда йўл ҳаракати қордапарни амал қилмаслик ҳолатлари ва йўллардаги муаммоли вазијатларни ёртиб борарди.

Бу шарт ноконуний эканлигини яхши билган Х.Эргашбоев. Фаргона вилояти ИИБ бошлиғига ариза билан мурожаат қилиди. Оқибатда эртаси куни Диёрбек шаҳарнинг Туркистон кўясасида Холмуроддан 10.000 АҚШ доллари овазига Р.Тўлқиновни озодликка чиқариб беришларини билдиради Д.Кутлибоев.

— Майли, ҳал қиласми. Менинг Улуғбек исмли бир ухоним бор, ўзи ички ишлар бўйимидан ишлаб, пенсияга чиқсан. Шу йигитдан ёрдам сўраймиз, — дейди Д.Кутлибоев.

Орадан иккича кун ўтгач, анироғи, 2022 йил 4 октябрь куни Диёрбек ИИБ ходимларига зиёфат

килиб берини ва ўша пайтда Рашидjonнинг масаласини ҳам гаплашишини айтиб, Холмуроддан пул сўрайди. Х.Эргашбоев Дангарга тумандаги эхтиёт қисмлар бозори ёнида унга 500.000 сўм беради. Ўша куни тунги соат 23:00ларда эса блогер йигит Холмуродга қўнингроқ қилиб, бирор жода учрашиб, гаплашиб олишлари кераклигини айтади. Шундан кейин улар шаҳардаги "Хонсарой" ҳойхонасида учрашилади.

— Гаплашдик, масала ҳал. Фақат терлов бўлими бошлиғи ва судъяга беш мингдан берishiшим керак экан, — дейа таниши, истеъфодаги ИИБ ходими Улуғбек Жуматов билан бирга 10.000 АҚШ доллари овазига Р.Тўлқиновни озодликка чиқариб беришларини билдиради Д.Кутлибоев.

Бу шарт ноконуний эканлигини яхши билган Х.Эргашбоев. Фаргона вилояти ИИБ бошлиғига ариза билан мурожаат қилиди. Оқибатда эртаси куни Диёрбек шаҳарнинг Туркистон кўясасида Холмуроддан 10.000 АҚШ доллари олган вақтда қўлга олиниди.

Шундан сўнг Д.Кутлибоев ва Ужуматовга нисбатан жиноят иши қўзға-

тилади. Мазкур ишни кўриб чиқкан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди эса уларни Жиноят кодексининг 25-, 168-моддаси 3-кисми "а" банди ва 28-, 211-моддаси 2-кисми "б" банди билан айборд деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жасосига маҳмум этди.

Кези келганда блогерлик никобидаги фирибгарлик хусусида бир фикрни алоҳида таъкидлашина истардик. Агар судланувчи Д.Кутлибоев биринчи маротаба жиноятга кўл урганида эди, қўлмишининг оқибатини тушунмаганлик сифатида изоҳласац бўларди. Аммо мукаддам жиноят содир этган маҳрум қилиш жасосининг 2 йилу 4 ой ахлоқ тузаати иши жасосига алмаштирилган. Кейин 1 йилу 2 ой ахлоқ тузаати иши жасосидан муддатидан илгари шарти раввишда озод этилган. Бу эса "қаҳрамон"имизга ўзига тегиши хуолоса чиқариб олиши учун берилган имкониятди. Лекин...

Баён этилган воеча Д.Кутлибоев тоғифасидаги устамон "блогер"ларга сабоқ бўлиши шарт.

Парламент назорати

ДОРИ-ДАРМОНЛАР САВДОСИ малаб даражасидами?

"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунинг 18-, 19-, 20-, 21-моддалари ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳтида ўрганинг якунларига багисланган кенгайтирилган йигилини Олий Мажлис Конунчилик палатаси Фуқароларнинг соглигини саклаш масалалари қўмитаси томонидан Согликини саклаш вазирлиги мутасадилари, Фармацевтика тармогини ривожлантириши агентлиги, Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари соглигини саклаш ҳолатлари масъул раҳбарлари шитирокида ўтказилди.



Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ва соглигини саклаш муассасаларни арzon фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашина яхшилаш, фармацевтика тармогини ривожлантириши алоҳида эътибор кратитмоқда. Янги таҳтидаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун ҳамда 2020—2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармогини ривожлантириши концепцияси ушбу йуналишдаги ишларни тизимили ташкил этишда мумх ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Йигилишда Согликини саклаш вазирлиги тизимили ҳамда Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг тегиши моддатлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар атрофича таҳтил қилинди.

Асосий эътибор аҳолини зарур ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш, согликини саклаш тизимида электрон рецепт тизимини жорӣ этиши, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва айланмасини хисобга олиш механизмларини тубдан таъминлаштириши, дори воситаларини ноконуний айланни ва уларнинг сустемаси милинишингин олдини олиш, кучли таъсир кипувчи моддалар айланнишина тартибига солиши борасида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиши масалаларига қаратилди.

— Кўмитамиз томонидан жорӣ йил август ойидаги мазкур қонуннинг тегиши моддатлари ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳтида ўрганиш мақсадида Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлдик, — дейди Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати Мавлуда Аҳмаджонова. — Дори-дармонлар билан чакан савдо қилувчи дорихоналар фаолиятини ўрганиш жараёнидаги ҳар иккала вилоядатда ҳам жиддий камчиликларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳусусан, ҳар иккала вилоятдориҳоналаридаги ҳам рецепт билан берилши лозим бўлган дорилар бемалол рецептсиз сотилмоқда. Рецептсиз бериладиган, ҳаёт учун зарур дорилар рўйхати йўқ. Дорихонада хизмат қилаётган шахслардан тиббий кўрик ҳақида ёки маҳдуд оширганлар ҳақида маълумот сўралганда, тақдим этилмади. Уларнинг санитар ҳолати ҳам кўп ҳолларда талабга жавоб бермайди.

Яна бир эътибор қаратган жиҳатимиз — оммавий ахбордан воситалари орқали турли дори воситаларининг реклама қилиниши билан боғлиқ хотат. Тўғри, конунчилигимизда рецептсиз бериладиган дори воситаларининг гувоҳламасига рухсат берилган. Бу эса аҳоли ўртасида ўзини ўдавлашаш билан шуғулланиши ҳолатларининг ортишига, дорихоналар томонидан эса дори воситаларининг чакана реализация қилиш тартибига риоҳ қилмаслик ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Йигилишда мутасадилар билан мазкур ҳолатни муҳокама қилиб, бу борадаги конунчиликни такомиллаштиришда фоал ҳамкорлик қилиш, мавжуд муаммоларни бартараб этишига қаратилган таклифлари чиқишига келишиб олди.

Йигилишда депутатлар томонидан ўрганишлар давомида аниланган камчиликлар юзасидан мутасадиларининг фикрлари эшилтилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, "Инсон қадри учун" деган тамойил асосида ҳар бир фуқаролик давлат томонидан оғир таъсирнинг қўлайтишларидан тиббий хизматдан фойдаланиси имкониятни яратиш, бунду амалдаги конунчилликка зарур ўзгаришишлар киритиш, дори-дармон сиёсатини назоратга олишига оғир таъсирни таъсирлаштиришади.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳозалар асосида қўмитанинг тегиши қарори қабул қилинди.

Ўз мухбirimiz

Хуқуқингизни биласизми?

"Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида"ги ҳукумат қарори (550-сон, 20.10.2023 й.) қабул қилинди

Қарорга кўра, қуйидагилар тасдиқланди:

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низом;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини беғлилаш тартиби тўғрисидаги низом;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари;

Туғилғанликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурӣ регламенти;

Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурӣ регламенти.

Янги гербли гувоҳномалар бергандик учун (ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномалар ҳамда етим болалар ва ота-онасининг ҳаромидаги маҳрум бўлган болаларни тарбия мусассасаларига жойлаштиришда берилган туғилғанлик ҳақидаги гербли гувоҳномалар бундан мустасно) герб йигими БХМнинг 15 фози миқдорида ўндирилди.

Шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг архив маълумотларини рақамлаштириш натижасидаги турли йилларда давомида бир хил серия ва рақамли туғилғанлик ҳолатларини ҳақидаги гувоҳномаларни расмийлаштириш берилганлиги ҳолатларини аниқланган тақдирда, ушбу гувоҳномаларни қайта расмийлаштиришганда герб йигими ўндирилмайди;

Ташаббус
қўллаб-кувватланмоқда



Маҳалла кутубхонасига БЕШ ЮЗТА КИТОБ СОВФА ҚИЛИНДИ

Косонсойлик Аъзамжон ҳожи Мамажонов ўтган йили тумандаги «Бог кўча» ва «Озод» маҳалла фуқаролар йигинлари тутманинг манзилда ўз хисобидан кутубхона ташкил этиган эди. Мазкур кутубхона фаoliyatiни бошлаган чоғда туман ҳокими Дилмурад Қодиров мингга яқин ўзбек ва чет эл адабларининг асарларини ва ўқув хонаси жиҳозларини топширганди.

Ўшандан бўён кўплаб зиёта-
лаб кишилар ҳам шахсий жавон-
ларидаги китобларининг сара-
ларини ушбу кутубхонага тақдим
етишиди.

Ўзбек тили байрами арафасида
эса мазкур кутубхона янада
бойиди. Жумладан, Республика
Маънавият ва маърифат маркази
Наманганд вилоят бўлими раҳбари,
вилоят кенгаси депутати Мусо-
хон Оппоқов бир талай китоб совфа
қилиди.

Дарвоҷе, "Adolat" газетасининг
жорий йил 13 октябрь сонида

эълон қилинган "Қардошликнинг
мангу ришталари" мақоласида
мазкур зиё маскани ҳақида шундай
дейилганди: "Косонсойлик
адабийти фидойиси, шеърият шай-
доси Аъзамжон ҳожи Мамажонов
ўз хисобидан очган кутубхона
бўлдик. Шу ўринда таъкид-
лаб ўтишин истардикки, "чекка
бир қишлоқнинг, чекка уйид",
бунинг устига ўз шахсий мабаги
хисобидан, айрим "замонавий
тадбиркорлар"нинг ҳайратда қол-
дириб, бирон-бир маддий мағфат
кутмасдан кутубхона очган ин-

сонга қойил қолдик. Тўғри, кутуб-
хона фонди жуда катта эмас. Кутубхонада турли ўйналишлар ва
мавзулардаги 1500 га яқин китоб
тўпландган. Лекин савоб ишга бош
қўшиши истаган зиёли инсон-
лар ҳисобига китоблар сони кун-
дан-кунга кўпайиб бормоқда экан.
Биз ҳам ана шу савобни ишга ше-
рик бўлиш мақсадида кейинги ке-
лишишимизда, албатта, кутубхонага
китоблар совға қилишини ният
қилидик".

Ният ижобати билан гўзап. Ай-
нан тил байрами нишонланётган
кунларда "Адолат" социал-де-
мократик партиси нашри бўл-
ган "Adolat" ижтимоий-сийёй
газетаси бош муҳаррири Ислом
Хамроев атай пойтхатимиздан ке-
либ, кутубхонага ўзбек адабларини
нинг беш юзта сара асарларини
тақдим этди.

- Аъзам ака азалдан китобсе-

вар инсон, - деди тақдимот ма-
росимида иштирок этган "Адолат" СДП вилоят кенгаси раиси
Исройл Жўраев. - У киши кўн-
дан бўён ижод ахлини қўллаб ке-
лади. Жумладан, Аъзам аканнинг
саъй-ҳаракати билан ўйлаб ҳавас-
кор ижодкорлар шеърлари жам-
ланган тўплам, ёш шоир Обид-
хон Мамадалиевнинг китоби чоп
етилди. У кишининг ташабуси
билан маҳалла кутубхонаси таш-
кил этилганинг ўзи катта воқеа
бўйган. Бундай инсонларни ҳар
канча ёъзозласак аризайди.

Китобларни мамнуният билан
қабул қилиб олган маҳаллаларро
кутубхона мудириаси Назира Мама-
жонова маърифат фидойларига
чин кўнгилдан миннатдорчилик
билирди.

Наманганд вилоят кенгаси
матбуот хизмати



Билимдон қизлар саҳнада



Буғунги ёшлар китоб ўқимай қўйди, деган
гаҳа ўрганиб қолдик. Аслида ҳам шундайми?
Йўқ! Партияниң Избоқсан туман кенгаси
ташаббуси билан "Кўғай" МФЙ ҳудудидаги
24-умумтаълим мактабида партияниң "Ва-
ттан келажаги ёшлар кўлида" лойҳаси до-
расида ўтказилган "Намунали китобхон қиз"
қўриқ-таниловида шундай ҳуолосага келдик.

Тадбир иштироқчилари асосан ўқувчи қизлар.
Улар икита шарт бўйича беллашибилар. Биринчи
шартга кўра ўқилаётган асарни давом эттириш
талаф этилса, иккинчи шарт ана шу асар асосида
саҳна кўриниши тайёрлардан иборат.

Китобхон қизлар чиндан ҳам билимли. Нутқ
маданияти, сўз бойлиги, миллий адабиёти-
мизни чукур ўрганиш борасида бир-бираидан
қолишишади. Саҳнадаги маҳоратларига ҳам ҳавас
қилиса арзиди.

- Китобхонлик маданиятини мактабдан
бошлаш тарафдоримиз, - деди "Адолат" СДП
Избоқсан туман кенгаси раиси Дилғуз Ахме-
дова. - Шу сабаб буғунги тадбирга ўқувчи-қиз-
ларни тақтиф этдик. Китоб ўқиган қиз оиласига
ҳам тайёр бўлади.

Ёшларни китоб ўқишга даъват этишини ўз ол-
дига мақсад қилиб қўйган тадбир маънавият бай-
рамига айланди.

Андижон вилоят кенгаси матбуот хизмати

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаси



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Тадбир хайяти:

Бахром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Кодир ЖЎРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъят МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯҚУБОВ

info@adolatgt.uz
www.adolat.uz
adolatgt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

Масъул китоб – Абдуғани Содиков
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёкубов

Тадбирнинг манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани «Шарқ тонгиг» кўчаси, 23-йи.

Котибият – 71 288-42-14 (144);
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими – 90 900-72-15



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 раками
били 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Когоғ бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоб. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1000

Адади – 6026
Босиша топширилиш вақти – 21.00
Босиша топширилиш – 21.00

Баҳоси келишилган нарҳда

Нашир
КЎРСАТКИЧИ: 100

Таҳририята келган кўлдемалар тақриз килинмайди ва муаллифа кайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририята жавоб гарб эмас.
Газетанинг етказиб берилши учун обраси расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
«Нашр» НМАК босмахонасида чон этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

МАГЗИ ТЎҚ ФИКРЛАР

Кимки боболарнинг шуҳрати билан мақтана-
верса, авлодларнинг ақдига зомин бўлади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Инсонни ахлоқ жиҳатидан тарбияламасдан ту-
риб интеллектуал жиҳатдан тарбиялаш – жамият
учун таҳдид демакдир.

Теодор РУЗВЕЛЬТ

Истеъдодсизликни истеъдод ӯлароқ қабул қиля-
ган адабиёт ўқувчини адабиётдан бездиради. Шуни
унутмангки, адабиётнинг кушандаси адабиётдири.

Хорхе Луис БОРХЕС,
аргентиналик адаби

Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, дилда
туғилган саволларга жавоб берга оладиган китоб-
ларнингина ўқиш керак.

Лев ТОЛСТОЙ

Яна 10 йиллардан сўнг қўлига китоб ушла-
ган бирорта ўқувчи ёки талабани кўриш қийин
бўлиб қолади деб қўрқаман!

Сергей КАПИЦА,
физик олим, академик, 2012 йилги чиқишидан



ДУНЁДА
КИМ КўП
ЎҚИЙДИ?

Хитой, ҳинд, рус, испан ёки японлар дейишига шошилманг!

Йилига 1000 номдаги китоб ўн минглаб ададда (!) босиладиган,
минг кишига 3 тадан асар тўғри келадиган Исландияда дунёдаги энг
китобсевар халқ яшайди. Оддий балиқчисиям овдан келиб китоб ўқи-
маса, кўнгли жойига тушмайди.

Аҳолиси бир ҳовуч – 347 374 киши (2023 йил). Ҳар бир фуқаро ку-
нига ўртача 8–9 соатни ўқиб-ўрганишга сарфламаса, ҳисобмас.

ДИҚКАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаси Марказий аппарати
томонидан анъанавий тарзда "ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР
ҚЎЛИДА" лойҳаси донрасида "КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНИ"
қўриқ-тандови ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда кўриқ-тандов 2023
йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалк Референдумда қабул ки-
линган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирга Конститу-
цияси асосида ташкил этилади.

Кўриқ-тандовнинг мақсади ёшларнинг Конституция бўйича билимларни
юксалитириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига хурмат
руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкам-
лаб, хукуқий ва сиёсий жиҳатдан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлан-
тириш ҳамда "Адолат" СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш-
дан иборат.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 24 октябрь – 4 нозбрь кунлари ора-
лигидан Республика бўйлаб барча коллек, техниким ва ОТМлар тасарруфи-
даги академик лицеипарниг 2-босқич ўқувчилири орасида туман босқичида
иштирок этиши учун саралаш босқичи ўтказилади:

1-босқич: саралаш (туман, шаҳар) босқичи (4 – 14 ноябрь оралигига);
2-босқич: худойи (Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-
кент шаҳри) босқичи (15 – 25 ноябрь оралигига);
3-босқич: якуний (республика) босқичи (25 ноябрь – 5 декабрь оралигига).

Мазкур кўриқ-тандовда барча профессионал таълим мусассалари ва
олий таълим мусассалари тасарруфидағи академик лицеипарниг 1 нафар
2-босқич ўқувчилири иштирок этишлари мумкин.

Азис ёшлар, юртимиздаги испоҳтларга бефарқ бўлманд, Конституция
бўйича билимларнинг синад кўринг.

(Кўриқ-тандовда иштирок этиши учун маҳаллий партия кенгашларига
муроҷаат қилишингиз ва Низомга асосан талаб этиладиган
хужхатларни таҳдим этишингиз лозим.)

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаси Қашқадарё вилояти кенгаси раиси ўрин-
босари Абдулазиз Абдиевга отаси

Абдураҳмон АБДИЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради